



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№4/2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

<b>Умар Худайбердиев</b> Камбағаллик даражаси ва уни қисқартириш йўллари	66
<b>Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова</b> Аҳолининг ўсиши, камбағаллик даражаси ва аҳоли камбағал қатламининг ўзгариш тенденциялари	69
<b>ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Nilufar Abdaxatovna Abdukadirova</b> Umumiy ovqatlanish korxonalari faoliyatida innovatsiyalarni rivojlantirish yondashuvlari	74
<b>Навруз Абдуллаевич Кудратов</b> Пути эффективного развития услуг электронной коммерции (на примере Самаркандской области)	77
<b>Dilrabo Shirinboyevna Mardonova</b> Samarqand viloyatida mehmonxona xizmatlari integral samaradorligi ko‘rsatkichlarini hisoblash	80
<b>Farhod Mahmudovich Tirkashyev</b> Xizmatlar ko‘rsatish sohasida intellektual mulk obyektlarini boshqarish xususiyatlari	86
<b>Lazizjon Sharifovich Kuldoshev</b> Xizmat ko‘rsatish sohasida raqobatbardoshlik salohiyatini baholashga ilmiy yondashuvlar	91
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Аҳмаджон Таниев</b> Туризмнинг атроф-муҳитга таъсири ва барқарор ривожланиш стратегиялари	97
<b>Umida Ziyadullayevna Raximova</b> Turizm Infratuzilmasining hozirgi holati	105
<b>Gulmira Rabbonovna Tursunova</b> Turistik mahsulot iste’molchisini tasniflash	110
<b>Bekzod Sherzodovich Sharipov</b> Inklyuziv turizm destinatsiyalarini shakllantirishning konseptual, nazariy-metodologik asoslari	116
<b>Ulug‘bek Egamberdiyevich Boynazarov</b> Oilaviy mehmon uylari uchun mahalliy va xalqaro me‘yorlar xususiyatlari	121
<b>Dilyor Zafarovich Hakimov</b> O‘zbekistonda etnografik turizmni rivojlantirish samaradorligini oshirish yo‘llari	124
<b>Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов</b> Туризм индустриясини ривожлантиришда минтақавий назариялар ўрни ва роли	130
<b>Aziza Javaxirovna Mir-Djafarova</b> Mehmonxona xo‘jaligida yashil texnologiyalarni joriy qilishning innovatsion yechimlari	135
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	
<b>Азизбек Исомиддин ўғли Асроров</b> Кичик бизнес субъектларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш масалалари	139
<b>Pyos Pخomovich Ayubov, Sumbula Kurasheva</b> Iqtisodiy islohotlarning tadbirkorlikni rivojlantirishdagi o‘rni	145

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон -2030” стратегияси тўғрисида. ПФ-158 11.09.2023 й.
2. Камбағалликдан – фаровонлик сари” дастури. Lex.uz 2024
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириши бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида. 2024 й.
4. Пардаев М., Пардаев О. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ 2020 й.
5. Худайбердиев Умар Аҳоли турмуш даражаси. Монография. Самарқанд. СамДЧТИ нашриёти, 2021 й.
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

<p><b>У.Худайбердиев</b></p> <p><b>Уровень бедности и пути его сокращения</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье описано современное состояние бедности и пути ее снижения. Освещены меры по сокращению бедности.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> население, бедность, причины бедности, социально-экономические условия, новые рабочие места, доходы, развитие.</p>	<p><b>U.Khudayberdiev</b></p> <p><b>Poverty level and ways to reduce it</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article describes the current state of poverty and ways to reduce it. Measures to reduce poverty are covered.</p> <p><b>Keywords:</b> population, poverty, causes of poverty, socio-economic conditions, new jobs, income, development.</p>
---	---

**Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова – Алфраганус университети ассистенти**

**АҲОЛИНИНГ ЎСИШИ, КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ ВА АҲОЛИНИНГ КАМБАҒАЛ ҚАТЛАМИНИНГ ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда аҳолининг ўсиши, камбағаллик даражаси ва аҳолининг камбағал қатламининг ўзгариш тенденциялари қараб чиқилган. Унда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги асосланиб, унинг айрим йўналишлари ҳам кўрсатиб берилган. Шунингдек, Самарқанд вилоятида аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд ва ишсиз аҳоли сонининг 2016-2024 йиллардаги ўзгариш динамикасининг қиёсий таҳлили берилган. Таҳлил натижасида камчиликларни тўғрилаш бўйича амалга ошириш лозим бўлган илмий-амалий тавсиялар ҳам берилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли сони, камбағаллик, аҳолининг камбағал қатлами, камбағаллик даражаси, аҳолининг бандлиги, ўзини ўзи банд қилиш, фаровонлик, унга эришиш йўллари.

**Кириш.** Бугунги кунда аҳоли фаровонлигини ошириш энг устувор вазифалардан бирига айланган. Бунинг учун аҳоли иш билан банд бўлиб, маълум миқдорда даромад қиладиган ва бемалол фаровон яшайдиган бўлишлиги лозим. Буларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-сонли фармони ва ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида, 2020 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам мазкур масала юзасидан аниқ мақсад ва вазифалар ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатларда самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизими ишлаб чиқилган ва булар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Аммо масаланинг айрим назарий, услубий ва амалий муаммолари борки,

уни тадқиқ қилиб тегишли хулосалар ва илмий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади. Масаланинг бу жиҳати мазкур ишнинг долзарблигини белгилайди.

**Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳвол қандайлигини таҳлил қилиш мақсадида Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ва аҳоли сонининг 2000-2024 йиллардаги ўзгаришларини қиёсий таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ва аҳоли сонининг 2000-2024 йиллардаги динамикаси<sup>1</sup>**

Йиллар	Аҳоли, минг киши,	Аҳоли сонининг ўзгариши, %	Камбағал-лик даражаси <sup>2</sup> , %	Камбағал аҳоли сони, минг киши	Камбағал аҳоли сонинг ўзгариши, %
2000	24870,5	100,0	28,0 <sup>3</sup>	6963,7	100,0
2020	34558,9	139,0	15,0	5183,8	74,4
2021	34785,7	139,9	14,6	5078,7	72,9
2022	35271,3	141,8	14,1	5035,5	72,3
2023	36197,8	145,6	11,0	3981,8	57,2
2024	37134,2	149,3	10,0	3413,4	49,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда аҳолининг сони тизимли равишда кўпайиш тенденциясига эга. 2000-2024 йил давомида аҳолининг ўсиш суръати 149,3 кишини ташкил қилади. Шу билан бирга аҳолининг камбағаллик даражаси мунтазам равишда камайиш тенденциясига эга. Аҳолининг камбағаллик даражаси 2000 йилда 28,0 %ни ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 10,0 %гача камайган. Характерли жиҳати умумий аҳоли сонининг ўсиши билан камбағал аҳолининг сони камайиш тенденциясига эга бўлган. 2000-2024 йилларда камбағал аҳоли сони 49,0 %га тушган, яъни 2000 йилда умумий камбағаллар сони 6963,7 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб унинг миқдори 3413,4 минг кишини ташкил қилади. Ҳозирги кунда ҳам камбағалликни кескин қисқартириш юзасидан мамлакатимизда катта стратегик дастурлар ҳар бир ҳудудлар кесимида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилган чоратадбирлар натижасида “жами 1 миллион 200 мингта камбағал оила рўйхати шакллантирилган. 2024 йил охиригача 127 минг 500 та оила камбағалликдан чиқарилиши режа қилинган”<sup>4</sup>. Мамлакатимизда камбағал оилаларни ҳисобини олиб бориш масаласи ҳам яхши йўлга қўйилган. Бугунги кунда камбағал оилаларнинг рўйхати «Онлайн маҳалла» электрон платформасига жойлаштирилган. Ушбу платформага ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллалар бўйича ҳар бир оилани камбағалликдан чиқариш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар жойлаштирилган.

Оилаларнинг камбағалликдан чиқарилиши бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича тасдиқланган регламенти мавжуд. “Берилган маълумотларга кўра, йил якунига қадар республикада 127 минг 500 та оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражасини 12 фоизга тушириш чоралари кўрилган”<sup>5</sup>. Ушбу кўрсаткич оилаларнинг камбағаллик даражасини ифодалайди. Ушбу ҳолатдан чиқиш бўйича хорижий тажрибаларни чуқур ўрганишни ва таҳлил қилган ҳолда, ундаги халқаро стандартлар ва нормаларни миллий қонунчиликка киритиш ҳам бугунги куннинг талаби. Буни инобатга олиб, Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ҳақ

<sup>1</sup> Турли маълумотлар асосида муаллиф томонидан амалга оширилган ҳисоб-китоблар.

<sup>2</sup> <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-darajasi-va-uni-olchash-borasida-milliy-strategiya-ishlab-chiqiladi>

<sup>3</sup> Манбалар: [https://uza.uz/uz/posts/faqat-pul-tarqatish-bilan-hal-bolmaydigan-muammo-yoxud-kambagallikni-qisqartirish-umummilliy-harakatga-aylanmoqda\\_638677](https://uza.uz/uz/posts/faqat-pul-tarqatish-bilan-hal-bolmaydigan-muammo-yoxud-kambagallikni-qisqartirish-umummilliy-harakatga-aylanmoqda_638677)

<sup>4</sup> <https://bugun.uz/zbekistondagi-kamba-al-oilalar-soni-malum-ilindi>

<sup>5</sup> <https://bugun.uz/zbekistondagi-kamba-al-oilalar-soni-malum-ilindi>

тўланадиган таътиллار тўғрисида»ги Конвенциясини ратификация қилиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу ҳам масаланинг ечимларидан бири ҳисобланади.

Агар камбағалликнинг ҳолатига ҳудудлар бўйича қарайдиган бўлсак, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан пасайиши рўй берган. Буни республикамизнинг қуйидаги ҳудудларида ҳам кўришимиз мумкин. “Бу Сирдарё вилоятида — 19,5 фоиздан 13,8 фоизгача; Анди-жонда — 17,4 фоиздан 11,9 фоизгача; Қорақалпоғистонда — 19,9 фоиздан 13,7 фоизгача сезиларли даражада қисқарган. Бир қисмида ушбу кўрсаткич минимал ўзгаришларга ҳам эга. Буларга: Тошкент шаҳри — 8,5 фоиздан 7,9 фоизгача; Бухоро вилояти — 11,9 фоиздан 11,8 фоизгача; Қашқадарё вилояти — 12,7 фоиздан 11,5 фоизгача камайган”<sup>1</sup>.

Шуни қайд этиш жоизки, одамларимизнинг ўзида камбағалликдан чиқиш учун интилиш бор. Хусусан, 2023 йилда жами 4,1 миллион аҳоли, шундан 2,3 миллион нафари доимий ва мавсумий иш ўринларида, 112,8 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларида, 1,6 миллион аҳоли ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига бандлиги таъминланган<sup>2</sup>. Кўриниб турибдики, иш билан бандликка интилиб иш билан банд бўлганлар орасида 39,0 % аҳоли (1,6\*100/4,1) ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига бандлигини таъминлашга муваффақ бўлган.

Камбағалликнинг қисқаришига яна бир омил мамлакатимизда инфляция даражасининг инobatга олиниши билан боғлиқ. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, 2024 йил учун ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари қиймати 621 минг сўмни ташкил этди. 2023 йилда ушбу қиймат 568 минг сўмга тенг бўлган. Статистика агентлигининг аҳоли даромадлари ҳақидаги йиллик ҳисоботидан, 2023 йили аҳоли жон бошига реал даромадлар ўсиши секинлашгани маълум бўлганди. Ўзбекистонда 2026 йилгача камбағаллик икки баробарга қисқартирилиши ҳақида ҳам тегишли чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, ҳозирги пайтда камбағаллик чегараси республикада 568 минг сўм этиб белгиланганди. Ушбу ҳолат ҳам камбағалликни қисқартиришга оид масалалардан бирини ташкил қилади.

Мазкур масалани ҳудудлар бўйича таҳлил қилинса, масалага янада ойдинлик киради. Бунинг учун жами аҳоли сони, шу жумладан меҳнатга қобилиятли аҳоли, улар таркибида иш билан банд аҳоли ҳамда расмий ишсизларнинг ўсиш суръатини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ушбу кўрсаткичлар таҳлили мазкур жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Самарқанд вилоятида аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли, иш билан банд ва ишсиз аҳоли сонининг 2015-2024 йиллардаги ўзгариш динамикаси

Йиллар	Жами аҳоли		Шу жумладан					
	сонинг миң киши	ўсиш суръати,%	Меҳнатга қобилиятли аҳоли		Иш билан банд аҳоли		Расмий ишсизлар	
			сонинг миң киши	ўсиш суръати,%	сонинг миң киши	ўсиш суръати,%	сонинг миң киши	ўсиш суръати,%
2015	3514,8	100,0	2006,7	100,0	1402,7	100,0	82,9	100,0
2016	3583,9	102,0	2 024,7	100,9	1 443,9	102,9	86,7	104,6
2017	3651,7	103,9	2 048,1	102,1	1 485,1	105,9	90,6	109,3
2018	3720,1	105,8	2 069,4	103,1	1 523,1	108,6	106,7	128,7
2019	3798,9	108,1	2 092,5	104,3	1 463,3	104,3	157,3	165,6
2020	3877,4	110,3	2 108,2	105,1	1 455,8	103,8	148,4	179,0
2021	3947,7	112,3	2 120,4	105,7	1 418,3	101,1	174,6	210,6
2022	4031,3	114,7	2 115,5	105,3	1 441,3	102,8	158,4	191,1
2023	4118,2	117,2	2 155,6	107,4	1 479,8	105,5	152,5	184,0
2024	4208,5	119,7	2 155,8	107,4	1 504,2	107,2	156,8	189,1

<sup>1</sup> <https://bugun.uz/ozbekistonda-kambagallik-darazhasi-2023-jil-davomida-14-foizdan-11-foizga-kamajdi>.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида аҳоли сони 2024 йилда 2015 йилга нисбатан 119,7 % ўсганлигига гувоҳ бўлдик. Шу даврда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиш суръати 107,4 %ни ташкил қилмоқда. Демак, аҳолининг сони болалар эвазига кўпаймоқда. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўсиш суръатига нисбатан иш билан банд аҳолининг ўсиш суръати ҳам паст, яъни 107,2 %га тенг. Демак меҳнатга қобилиятли аҳоли ҳамиша иш билан тўлиқ таъминланмаган. Натижада ишсиз аҳоли сонининг кўпайиши рўй берган. Ҳақиқатда шу даврда ушбу кўрсаткич 189,1 %ни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида янги иш ўринларини яратиш масаласини жадаллаштириш лозим экан. Шу билан бирга аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаб, банд қилиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилиши керак. Бунда маҳаллаларда ўзини ўзи банд қилиш бўйича тизимли тадбирларни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, айрим ишсиз аҳоли ўзини ўзи иш билан банд қилиш тартибини масофадан туриб ҳал қилиш нималигини ҳам билмайди. Бундан ташқари айрим кишилар норасмий банд. Уларга ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг кўпгина ижобий томонларини ҳам тушунтириш керак экан. Бунинг учун маҳалла еттилиги тизимли равишда ишлашлари лозим бўлади. Аҳолига ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг аҳамиятини тушунтириб бориш керак. Бундан ташқари иш билан банд бўлмаган, бирорта касбга эга бўлмаган аҳолини вилоятда ташкил қилинган МОНОМАРКАЗда ўқитиб касбга ўргатиб, маҳаллага керак касбни эгаллатиб, шу маҳалланинг ўзида банд қилиши мумкин.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида, Самарқанд вилоятида аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли, улар таркибида иш билан банд аҳоли ва ишсиз аҳолининг таркибий тузилиши бўйича ўзгаришларни ўрганишни ҳам мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунинг учун ушбу кўрсаткичларнинг 2015-2024 йиллардаги таркибий тузилишидаги ўзгариш қиёсий таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ушбу кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Самарқанд вилоятида аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли, иш билан банд ва ишсиз аҳоли сонининг 2015-2024 йиллардаги таркибий тузилишидаги ўзгариш динамикаси**

Йиллар	Жами аҳоли		Шу жумладан					
	сони, минг киши	улуши, %	Меҳнатга қобилиятли аҳоли		Иш билан банд аҳоли		Ишсизлар, ногиронлар, бола тарбиясидаги қабилар	
			сони, минг киши	улуши, %	сони, минг киши	улуши, %	сони, минг киши	улуши, %
2015	3514,8	100,0	2006,7	52,0	1402,7	45,0	105,4	3,0
2016	3583,9	100,0	2 024,7	56,7	1 443,9	40,3	115,3	3,0
2017	3651,7	100,0	2 048,1	56,1	1 485,1	40,7	118,5	3,2
2018	3720,1	100,0	2 069,4	55,9	1 523,1	40,9	117,6	3,2
2019	3798,9	100,0	2 092,5	55,0	1 463,3	38,5	245,1	6,5
2020	3877,4	100,0	2 108,2	54,4	1 455,8	37,5	313,4	8,1
2021	3947,7	100,0	2 120,4	53,7	1 418,3	35,9	409,0	10,4
2022	4031,3	100,0	2 115,5	52,5	1 441,3	35,8	474,7	11,8
2023	4118,2	100,0	2 155,6	52,4	1 479,8	35,9	482,8	11,7
2024	4208,5	100,0	2 155,8	51,4	1 504,2	35,7	548,5	13,0

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, меҳнатга қобилиятли аҳолининг барча аҳолидаги улуши 2015 йилда 52,0 %ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб бир мунча

ўсган ва 54,4 %гача кўтарилган.Аммо 2024 йилга келиб эса, унинг улуши 51,4 %ни ташкил қилади. Бу ҳам кўрсатадики, умумий аҳолининг таркибида болалар ва кексаларнинг улуши ошиб бормоқда. Шу даврда аҳолининг ўсиши билан бирга иш билан банд аҳолининг ўсиши кузатилгани билан, уларнинг улуши қисқариб борган. Хусусан, 2015 йилда аҳолининг 45,0 %и банд бўлган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 37,5 %ни ташкил қилади. 2024 йилда эса, янада пасайган, яъни 35,7 %ни ташкил қилмоқда. Шу туфайли охирги пайтларда хорижга ишга кетадиганларнинг сони кўпайиб бормоқда. Ишсизлар, ногиронлар, бола тарбияси билан банд аёллар ва бошқа ишда ишлаган бўлсада, расмий иш билан банд бўлмаганлар сони 2015 йилда 3,0 %ни ташкил қилган. 2020 йилга келиб, буларнинг улуши 8,1 %ни ташкил қилган. 2024 йилга келиб эса, янада кўпайган ва 13,0 %ни ташкил қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ишсизликни камайтириш бўйича анчагина ишларни амалга ошириш лозим экан.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз аҳолисининг ўсиш суръати жадаллашди, шунга мос равишда янги иш ўринларини яратиш масаласи етарли даражада эмас. Шу туфайли аҳолининг камбағаллик даражаси бироз ошиб бормоқда ва бу аҳолининг камбағал қатламининг ўзгариш тенденцияларида яққол намоён бўлмоқда. Булардан келиб чиқиб, қуйидаги тавсияларимизни бермоқдамиз:

Биринчидан, мамлакатимизда ва унинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринларини яратишга катта эътиборни қаратиш лозим бўлмоқда. Чунки янги иш ўринларини яратиш аҳолининг ўсишидан кўпроқни ташкил қилиш керак. Шундагина ўсиб келаётган ёшлар билан бирга аҳолининг ишсиз қатламини ҳам ишга жойлаштириш имконияти яратилади.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўзини ўзи иш билан таъминлаш принципида аҳолининг камбағал қатламини банд қилишнинг инновацион йўллари йўлаб топиши ва уларни банд қилиш чораларини кўриши лозим. Бугунги замон талабидан келиб чиқиб, фрилансларни кўпайтириш лозим. Булар масофадан туриб иш топади ва масофадан туриб ишлаш имкониятига эга бўлади.

Агар ушбу тавсияларимиз амалиётга татбиқ этиладиган бўлса, мамлакатимизда амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон – 2030 стратегиясида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига маълум даражада хизмат қилган бўлар эди.

<p style="text-align: center;"><b>М.Мамаюнусова</b></p> <p><b>Тенденции изменения роста населения, уровня бедности и бедных слоёв населения</b>  <b>Аннотация.</b> В статье рассматривается рост численности населения, уровень бедности и тенденции изменения бедного слоя населения в нашей стране. В ее основе лежит необходимость разработки мер, направленных на сокращение бедности, и обозначены некоторые ее направления. Также дан сравнительный анализ динамики изменения численности населения, в т.ч. трудоспособного, занятого и безработного населения в Самаркандской области в 2016-2024 годах. В результате анализа также даются научно-практические рекомендации, которые следует реализовать для исправления недостатков.  <b>Ключевые слова:</b> население, бедность, бедный слой населения, уровень бедности, занятость населения, самозанятость, благосостояние, пути его достижения.</p>	<p style="text-align: center;"><b>M.Mamayunusova</b></p> <p><b>Trends in population growth, poverty and poor strata of the population</b>  <b>Abstract.</b> The article examines population growth, poverty level and trends in the poor strata of the population in our country. It is based on the need to develop measures aimed at reducing poverty, and some of its directions are outlined. A comparative analysis of the dynamics of changes in the population, working-age population, employed and unemployed population in the Samarkand region in 2016-2024 is also given. As a result of the analysis, scientific and practical recommendations are also given that should be implemented to correct the shortcomings.  <b>Keywords:</b> population, poverty, poor strata of the population, poverty level, employment of the population, self-employment, well-being, ways to achieve it.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.